1 СЕНТЯБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИ

ИСТИҚБОЛ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Ҳеч нарса ўз-ўзидан бунёд бўлмайди. Ҳар куни ғайрат-шижоат билан меҳнат қилибгина, келажакни яратиш мумкин

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

● Газета: «Иштирокиюн» (1918 — 1920). «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 134 (21. 233) 1992 йил 9 июль, пайшанба

БАҲОСИ 2 СЎМ.

• *Ўзбекистон—Тула:*

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Тула, 7 июль. (РАТА—ТАСС мухбири Валерий Руденко). Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати билан Тула вилоятининг маъмурияти ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳақида битим имзоланди.

Битимда вилоятга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, холодильниклар, компрессорлар юбориш кўзда тутилган. Бунинг эвазига тулаликлар Ўзбекистонга кир ювиш воситалари, юк ташийдиган мотороллерлар, синтетик каучук, қуйма чўян, тасмали конвейерлар етказиб беради. Яқин ўтмишда ўқ-дори ишлаб чиқарган «Штамп» заводига буфетлар учун 200 та самовар ясашга буюртма берилди.

Истиқболда Тула билан Ўзбекистоннинг ҳамкорлиги анъанавий алоқалар билангина чекланиб қолмайди: томонлар қўшма ишлаб чиқаришлар ва корхоналар барпо этиш имкониятини ўрганиб чиқмоқдалар.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Нукусда ўн иккинчи чақириқ Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари ўнинчи сессияси бўлди.

Депутатлар ташкилий масалани кўриб чиқдилар. Сессия халқ депутатлари Амударё Кенгаши ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаб келган Р. Йўлдошевни бир овоздан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси этиб сайлади.

Бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси М. Б. Умурзоқов қатнашдилар.

(ЎзА).

ҒАЙРАТ КАМАРИН БОҒЛАБ

Қарши районидаги Акмал Икромов номли давлат хўжалигида бўлдик.

— Йил ёмон келмади, — дейди совхоз директори Ҳ. Каримов поёнсиз пайкаллардаги ғаллазорларга тикилиб. — Насиб этса, режадагидан уч-тўрт баравар кўп хирмон кўтарамиз. 600 гектар суғориладиган, 1633 гектар лалми ерда дон мўл бўлди. Шу кунларда ҳосилни нобудгарчиликсиз йиғиштириб олиш учун еттита комбайн юқори унум билан иш латилмоқда.

Ҳозиргача 800 гектардаги ғалла саранжомлаб олинди. Хирмонга қарийб бир минг 600 тонна ғалла тушди. Суғориладиган ердан гектаридан 30 центнер, лалми ердан 20 центнердан ғалла олиняпти. Б. Эшмуродов, Ш. Эронов, У. Рўзиев, Б. Отамуродов сингари комбайнчилар ҳар куни 7-8 гектардаги ғаллани йиғиб олиб, хирмонга барака киритмоқдалар.

Дала гвардиячилари учун икки маҳал бепул иссиқ овқат ташкил этилган. Мукофот ва ойлик маош ҳам ёмон эмас. Бу йил етиштириладиган 2,5 минг тонна ғалланинг 800 тоннаси давлатга сотилади. 500 тонна буғдой аҳолига берилади.

Хўжаликда бу йил 20 гектар ерга карам ва олти гектар ерга картошка, икки гектар ерга полиз экинлари экилганди. Яхши парвариш туфайли илк маҳсулот эл дастурхонига тортиқ этилмоқда. Айниқса, М. Худойбердиев, А. Рустамов, Т. Эсонов бошлиқ звеноларда карам, мева пешмапеш топширилмоқда.

Э. Раҳмонов бошлиқ учинчи бўлим далалари ҳам ўзгача файзда. Ғўзалар бир текис гуллай бошлади.

— Бу йил мавжуд 475 гектар майдонга икки-уч марта бузиб чигит эккандик, — дейди бўлим бошлиғи. «Бухоро—6», «Термиз—16» навли ингичка толали ғўза айни пайтда гуркираб ривожланмоқда. Ҳозир барча майдондаги ғўзамиз учинчи ишловдан чиқди. Суғориш ва ишлов бериш яхши ташкил этилган. Н. Турдиев, Б. Эрназаров, А. Каримов, И. Бобожонов, Т. Хўжаназарова бошлиқ бригадаларда ғўзалар кун сайин баравж ўсиб, ҳосил тугунчалари кўпаймоқда.

— Ғўзамиз бу йил 15—20 кун кечиккан бўлса ҳам культивация ва озиқлантириш ҳисобига ривожини тезлаштиряпмиз, — дейди бригада етакчиси А. Каримов. — Гектаридан 40 центнер ҳосил етиштириш учун далаишлари суръатини бўшаштирмаймиз. Чунки ҳаракат бор жойда барака бўлади.

М КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• ОҚСОҚОЛЛАР КАЛОМИ •

САФСАТАДАН НИМА ФОЙДА?

Автобус, поезд ва самолёт билан олис сафарларга чиққансиз. Ёки шахсий автомашинангизда райондан районга, шаҳардан шаҳарга етиб боргансиз. Ана шундай сафар чоғларида атрофингизга разм ташлаб юргансиз, шубҳасиз анвойи мевалари кўзларни қувонтирувчи боғ-роғларни, токзорларни кўрганингизда қалбингиз аллақандай ҳисҳаяжонга тўлган. Ғаллазору пахтазорлар сизда бир ўзгача завқ-шавқ қўзғотган. Ҳа, бир қарашда боғбону соҳибкор, пахтакору ғаллакорнинг иши осондай бўлиб туюлиши мумкин. Аслида ундай эмас. Сиз йўл бўйларида учратган уй-жойларда, капаларда истиқомат қилаётган қадоқ қўлли инсонлар ва уларнинг асл фарзандлари сиз ўйлаганчалик роҳат-фароғатда умр ўтказишаётгани йўқ. Тонг ёришгандан кун қорайгунча далаларда ишлашади бечоралар. Ҳа, касбимиз шу экан, пешонамизга шуни ёзган экан, деб сабр-тоқат қилишади. Одамларга ризқ-рўз яратиб беришаётганларини ўйлаганларида чарчоқлари тарқагандек, оғир меҳнатда дол бўлган беллари тиклангандек бўлади. Энг муҳими улар миннат қилишмайди.

Аллоҳ, биз, деҳқонларга элу юртни боқишдек улуғ вазифани насиб айлаган экан, шукр қилишимиз керак, холос. Улуғ бобомиз Алишер Навоийнинг мана шу табаррук сўзлари эса ҳамиша бизни руҳлантиради (мазмуни): «Дон сочувчи деҳқон — ерни ҳайдаш билан ризқ очади... Оламнинг ободлиги деҳқонлардан; меҳнат аҳли шодонлиги улардан...».

Меҳнат аҳлини шод айлаяпганимизга минг шукур. Ахир, республикамизда оз эмас, 21 миллион нафар халқ яшайди-я! Лекин... Гап ана шу лекиндa-да, биродарлар! Иш билан йилда бир-икки шаҳарларга, жумладан, Тошкентга бориб келишга тўғри келади. Азамат ишчи биродарларимизнинг бизларникидек қадоқ қўллари билан яратилган биноларни кўриб: «Балли сизларга, оталарингизга раҳмат!» — дейман. Сирасини айтганда, ҳаётнинг икки устуни бор— бири деҳқон, бири ишчи! Ана шулар омон бўлса, олам гулистон.

Афсус ва надоматлар бўлсинки, ишчи ва деҳқоннинг меҳнати қадрига етмаётган кўрнамаклар ҳам пайдо бўлиб қолди бу юртда. Бундайлар бир бурда нонинг не-не машаққатлар эвазига дунёга келишини, бу иморатлар, бу хил-хил автомашиналар, трамвай-ю троллейбуслар, ер ости поездлари қандай яратилганини билишмайди, аниқроғи, билишни исташмайди ҳам. Акс ҳолда улар кўчакўйларда сандиқалаб юришмасди, тўп-тўп бўлиб олиб, кашандалик қилишмаган бўлишарди. Ҳа, ҳеч кимга сир эмас, шаҳарларимизда меҳнат аҳли ҳисобига яшаётган бекорчи такасалтанглар кўпайиб кетмоқда. Бундайлар яна уялмай-нетмай яшаш кунданкунга оғир бўлиб бораётгани ҳақида сафсата сотишади. «Ҳой, полвон йигит, ҳой барно қиз, тур ўрнингдан, ишла!» — дейдиган бир киши топилмаётганидан ҳайронман.

Газета ва журналлар жумҳуриятимизда юзага келган иқтисодий тангликлар ҳақида кўп ёзадиган бўлиб қолишди. Майли, ёзишсин! Лекин бундан қутилиш йўлларини кўрсатиб беришсин. Хўш, бу борада мен нима дея оламан?! Бизларни иқтисодий қийинчиликлардан ҳалол, унумли меҳнат, ҳа, фақат меҳнатгина қутқара олади. Бир пайтларда: «Ишламаган тишламайди!» — деган шиор бўларди. Менимча, бу шиор ҳозир ҳам ўз кучини сақламоқда. Мен кўп йиллардан буён бошқарувчилик қилиб келаётган бўлим меҳнаткашлари доим бунга амал қиладилар. Бизда ҳар бир киши ўз вазифасини сидқидилдан бажариб келаётгани сабабли ҳам олдимизга қўйган режаларни ҳамиша муваффақиятли уддалаяпмиз. «Меҳнатдан келса бойлик — турмуш бўлар чиройли» деган гап жуда топиб айтилган. Шу ўринда бир мисол келтирмоқчиман. Бундан бир неча ўн йиллар муқаддам қалб амри билан Жиззахдан Мирзачўл даштларига кўчиб келгандик. Мен бунгачайин колхоз раиси бўлиб ишлагандим. Сафимга Тоғай Идиқулов каби қалби олов дўстларим қўшилишди. Шароит ниҳоятда оғир эди. Биз матонатли меҳнатимиз, сабр-тоқатимиз билан енгиб чиқдик. Боғ-роғлар, пахтазорлар яратдик. Шинам уй-жойлар бунёд этдик. Тўй-томошалар, маъракалар ўтказдик. Тоғай Идиқулов Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвонга муяссар бўлди. Ҳамиша биз учун юксак қадрли бўлган марҳум дўстимизнинг қутлуғ ишларини унинг фарзандлари, шогирдлари давом эттиришмоқда. «Яхшидан от қолади», — деб шунга айтадилар-да.

Тоғай Идиқуловдай муҳтарам зотлар ҳозир республикамизга ҳар қачонгидан ҳам зарур. Бундай улуғ инсонларнинг ўлмас фазилатлари ёшларимиз учун йўлчи юлдуз бўла олади.

Биз, деҳқонлар республикамизнинг мустақилликка эришишини орзу қилиб келар эдик. Худога шукр, бунга муяссар бўлдик. Ҳа демай бу улуғ байрамнинг бир йиллигини нишонлаймиз. Тўйга тўёна билан келиш халқимизнинг азалий яхши одати. Тўёна ўз-ўзидан бунёд этилмайди. Аҳиллик, ҳамжиҳатлик билан иш юритсаккина бунга муяссар бўламиз. Ҳурматли Президентимиз И. Каримовнинг ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўнинчи сессиясида сўзлаган нутқидаги мана бу сермаъно гаплар, айниқса, диққатга сазовордир:

«Бугунги кунда ҳам халқни яқдил қила оладиган ишлар ва ғоялар оз эмас. Уларнинг ичида энг улуғи — Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини таъминлаш. Ана шу мақсад, ана шу ғоя атрофида бирлашсак, асло хор бўлмаймиз, азиз ватандошлар!».

Ниҳоятда ҳаққоний фикр. Биз, оқсоқоллар бунга астойдил қўшиламиз ҳамда ўртоқ И. Каримовнинг ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўнинчи сессиясида сўзлаган нутқида баён этилган ҳаққоний фикрларни тўла қўллаб-қувватлаймиз.

Ҳурматли Президентимиз ўз нутқида: «Биз ўзимизнинг иқтисодий сиёсатимизда деҳқончиликка ва умуман қишлоқ ҳаётига етакчи тармоқ сифатида қараяпмиз», — деб алоҳида таъкидлаб ўтди. Бу фикр, биз, деҳқонларда мамнуният ва, айни чоғда, юксак масъулият ҳиссини қўзғотади.

Очиғини айтиш керак, шу кунларда орамизда гапдонлар бироз кўпайиб қолди. «Гап билганга бир танга, иш билганга минг танга», — дейди доно халқимиз. Ишлайлик, азиз фарзандларим! Сафсатадан нима фойда. Уюшқоқлик, аҳиллик, биродарлик, ҳамжиҳатлик ва ҳалол меҳнатгина республикамизни обод, халқимизни фаровон қила олади. Бошқа йўл йўқ.

Эгамберди БОТИРОВ,
Шароф Рашидов районидаги Шароф Рашидов номли давлат хўжалиги бўлим бошқарувчиси.

ЮТУҒИНГИЗ ЯХШИЛИККА БУЮРСИН

Бир неча кундан кейин серқуёш Ўзбекистонимизда биринчи марта республикамизнинг мустақил заёми ўйналиши халқимизнинг иқтисодий ва маънавий ҳаётида ўзига хос қувонарли воқеалардан бири бўлиб қолади.

30 июль куни Самарқанд шаҳрида ўйналадиган Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги 12 фоизли ички ютуқли заёми тиражи тадбирларига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Республикамиз ҳудудидаги барча омонат банклари ва уларнинг бўлимларида бу ички ютуқли заёмлар аҳоли томонидан қизиқиш билан сотиб олинмоқда. Шу янгилик муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банки бошқаруви раисининг ўринбосари Р. П. Жидкевич мухбиримизнинг саволларига бажонидил жавоб берди.

— Рената Петровна, аввало бир сўм пул топиш қийин бўлиб турган ҳозирги иқтисодий қийин вазиятда бундай заём чиқарилишининг аҳамиятини қандай изоҳлаш мумкин!

— Худди ана шундай пайтда Ўзбекистон ҳукумати халқнинг турмуш даражасини яхшилаш йўлларини изламоқда. Заёмнинг жорий этилиши ҳам халқнинг манфаатини кўзлайди. Одамлар қўлидаги ҳаракатсиз пул муомалага киришгандан кейин давлатга ҳам, халққа ҳам ҳар томонлама фойда келтиради. Заёмдан тушган пуллар мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, иқтисодий қудратимизни оширишга хизмат қилади. Айтайлик, халқнинг қўлида турган пул—бу ҳаракатсиз, фойда келтирмайдиган жонсиз пулдир. У муомалага кирса, фақат фойдали бўлади. Халқнинг тили билан айтганда пулни-пулга уриб, ишни юриштириш лозим.

— Ўзбекистон ички ютуқли заёмининг қиймати қандай!

— 20 йил учун мўлжаллаб чиқарилган заём облигацияларининг қиймати 250, 500, 1000 сўмдан иборат.

— Бу заёмнинг ютуқлари қандай белгиланган!

— Бир йилда тўрт марта тираж ўтказилади. Демак, биринчи тираж 30 июль куни Самарқанд шаҳрида бўлади. Кейинги тиражлар эса 30 сентябрь ва 30 декабрга белгиланган.

Ҳар бир тиражда 1 та 250 минг сўмлик, 5 та 100 минг сўмлик, 25 та 50 минг сўмлик, 50 та 25 минг сўмлик, 1000 та ҳар бири 10 минг сўмлик, 8800 та ҳар бири 5 минг сўмлик, 10119 та ҳар бири 2 минг сўмлик ютуқлар белгиланган. Ютуқларнинг умумий сони 20 мингтадан иборат. Ана шу ютуқлар халққа 77,5 миллион сўм даромад беради. Аҳоли сотиб олиши учун чиқарилган заёмларнинг ҳар учтадан биттаси албатта ютуқли бўлиши кўзда тутилган. Бу жуда ҳам қулай ва катта имкониятдир.

— Заёмлар жамғарма банклари бўлимларида қандай сотилмоқда! Дастлабки маълумотлар ҳақида гапириб берсангиз!

— Ҳамма жойда тушунтириш ва реклама ишлари кенг йўлга қўйилган. Ҳар бир фуқаро исталган миқдорда заём сотиб олиши учун етарли шароит яратилган. 1992 йил учун 2,5 миллиард сўмлик заём ҳозирланган бўлса, кейинги икки ҳафтанинг ичида аҳоли 642 миллион сўмлик заёмларни сотиб олди. Вазиятга қараб умумий миқдорнинг қолган қисмини ҳам тезда тарқатиш тадбирлари кўрилмоқда. Юқоридаги рақамлар халқимизнинг бу мустақил миллий заёмга катта қизиқиш билан қараётганлигидан далолат бериб турибди.

— Ўзбекистон заёмини қўшни қардош республикалар ёки чет эл мамлакатларининг фуқаролари ҳам сотиб олишлари мумкинми!

— Албатта. Бу ҳақда ҳеч қандай чеклаш йўқ. Айниқса, қўшни Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Тожикистон республикалари аҳоли сотиб олса, айни муддао бўлур эди.

— Заёмни сотиб олган киши орадан бирон ҳафта ўтар-ўтмас кутилмаганда пулга муҳтож бўлиб қолса, заёмни қайтариб, пулини олиши мумкинми!

— Бу тўла-тўкис кафолатланган. Ҳеч қандай тўсиқ ёки чеклаш йўқ. Ҳар бир заёмли киши бу ҳақда кўнгли хотиржам бўлсин.

Ўзбекистон Республикасида мустақилликнинг бир йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўрилмоқда. Ана шу қутлуғ йилда миллий заёмни сотиб олган кишилар ундан манфаат кўрсинлар, бу заёмларнинг ютуқлари фақат тўйларга, яхшиликка буюрсин, деймиз.

Абдулла ПУЛАТОВ.

* * *

Суратда: Ўзбекистон саноат қурилиш банкининг Тошкент шаҳар бўлимида заём сотиш пайти. Бу ерда ҳар куни 40—50 минг сўмлик заём сотилмоқда.

Сураткаш В. МОЛГАЧЕВ.



ПАРТИЯ АХБОРОТИ

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАР БЕРАДИЛАР

ОЗУҚАСИ МАЪНАВИЙ, ТЎЛОВИ ИҚТИСОДИЙ

● ХДП Қизилтепа район кенгаши Ўзбекистон ХДП ижтимоий-сиёсий рўзномаси «Ўзбекистон овозига обунани давом эттирмоқда. ХДП район кенгашининг ташаббуси билан қисқа вақт мобайнида район ташкилот ва корхоналари ҳисобидан кам таъминланган 50 оила марказий рўзномага бепул обуна қилинди. Бу ҳам албатта бозор иқтисодиёти шароитида кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишда бирмунча асқотади.

МЕҲР-ШАФҚАТ КЎРСАТИБ

● Навоий «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич партия ташкилоти корхона касаба уюшмаси ва маъмурияти билан ҳамкорликда меҳнат ва уруш фахрийларини ижтимоий ҳимоялашга, бозор муносабатлари даврида уларнинг оилаларига моддий ва маънавий ёрдам беришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Яқинда узоқ йиллар бирлашмада ишлаётган, боқувчисини йўқотган оилалардан 150 тасига ана шундай меҳр-шафқат ёрдами кўрсатилди. Айрим ногирон байналмилалчи жангчилар оилаларига эса энг тақчил ҳисобланган озиқ-овқат маҳсулотлари бепул етказиб берилди. Булардан ташқари бирлашма бошланғич партия ташкилоти кимёгарлар учун транспорт хизматини бепул қилиш, тушлик овқатни арзонлаштириш, айрим зарарли цехларда ишлаётганлар саломатлигини назоратда тутиш учун ҳам қатор ибратли ишларни амалга оширмоқда.

ИШ ЎРИНЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

● Маълумки, Томди, Конимех ва Учқудуқ районларида енгил саноат корхоналари — тикиш ёки тўқиш фабрикалари айтарли йўқ. Шунинг учун ҳам қорақўлчиликка ихтисослашган мазкур районларда ёшларни иш билан таъминлаш, айниқса, уйда ўтириб қолган хотин-қизларга қулай иш ўринлари яратиш бир қадар мушкул. Ана шуни ҳисобга олган Конимех район кенгаши ибратли ишларни амалга оширяпти. Қисқа вақт мобайнида ХДП район кенгаши аралашуви билан бу ерда саноат комбинати иш бошлади. Свердловск «Трубомотор» заводининг Конимехдаги филиалини қуришга киришилди. Хўжаликларда гилам тўқиш, пўстин тикиш, ғишт қуйиш цехлари очилиб, ишга туширилди. Айни пайтда бу корхона ва цехларда минглаб конимехлик ёшлар самарали меҳнат қилишмоқда. Томди ва Учқудуқ районларида ҳам ана шундай хайрли ишлар қилиса айни муддао бўларди.

М. ШАРОПОВ.

РЎЗНОМА КУНЛАРИ

● Яқинда Хива шаҳрида республика ёшлари газетаси — «Туркистон» муштарийларининг катта сайил-байрами бўлиб ўтди. Унда рўзнома бош муҳаррири Жаббор Раззоқов бошлиқ бир гуруҳ ижодий ходимлар, шоирлар, воҳа ижодкорларининг вакиллари иштирок этишди.

Меҳмонлар райондаги Паҳлавон Маҳмуд номли жамоа хўжалиги, Хива гиламчилик комбинати, бадиий буюмлар заводи, шаҳардаги 20-болалар уйи, бошқа жамоаларда бўлишиб, газетхонлар билан самимий мулоқотлар ўтказишди. Таҳрир ҳайъатининг галдаги ижодий режалари билан ўртоқлашишди. Муштарийларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганишди.

Э. МАДРАҲИМОВ.

Республика иқтисодиёти: изланиш ва муаммолар

● Андижон вилояти Марҳамат механизациялашган кўчма колоннасида ишлашни орзу қилганлар кўп. Сабаби—корхона маъмуриятн ва бу ерда фаолият кўрсатаётган жамоа ташкилотларининг асосий эътибори инсон омилини кучайтиришга қаратилганида.

Дарҳақиқат, бу ерда баракали меҳнат самараси туфайли ишчи ва мутахассисларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашга эришилмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида бу алоҳида аҳамиятга молик иш. Фикрни исботи учун аниқ мисоллар келтираман.

Ўтган икки йил давомида жамоанинг 30 ёшгача бўлган 26 ходимига ташкилот ҳисобидан оиласи рўзғорини тиклаб олиши учун 30 минг сўм миқдорида фоизсиз қарз берилди. Шунингдек, 33 кишига уй-жой қуриб олиш учун жами 70 минг сўм маблағ қарз сифатида ажратилди.

Фахрийлар ҳурмати ҳам ўрнига қўйилмоқда. Сув хўжалиги тармоқларида узлуксиз 20 йил ва ундан ортиқ меҳнат қилиб, шу корхонадан қарилик таътилига чиққан ишчи-хизматчиларнинг жамғарма дафтарчасига бир йўла уларнинг 20 ойлик иш ҳақи миқдорида маблағ ўтказиб берилмоқда. Бугунгача жамоанинг 7 нафар аъзоси ана шундай имтиёздан баҳраманд бўлди.

Колоннада 20 йилдан ортиқ ишлаган ва ташкилотга қарашли уйларда яшаётган 4 нафар ходимнинг уйлари ўз номларига бепул расмийлаштирилиб берилди. Йигирма йилдан кам ишлаган 14 нафар ишчи-хизматчига эса улар яшаб турган уйлар арзон нархларда сотилди. Афғонистонда хизмат қилиб қайтган байналмилалчи-жангчи Носир Каримовнинг қўрғони бетон панеллар билан ўралиб, ҳовлисидаги айрим қурилишлар бепул бажариб берилди.

Бошқа енгилликлар ҳам берилмоқда. Корхонанинг пенеия ёшидаги 8 нафар аъзосига ташкилот ҳисобидан ойига 50 сўмдан қўшимча нафақа тўланмоқда. Бундан ташқари, ишчиларнинг ҳар бирига ойига 75 сўмдан йўл кира, кунига 10 сўмдан овқат пули улашиляпти.

Механизаторлар учун «Ирригатор»лар шаҳарчаси барпо этилган. Шаҳарчада 140 ўринли болалар боғчаси, 2901 квадрат метр уй-жой қурилган. Ҳозир яна 2 та 8 квартирали уй фойдаланишга топширилиш арафасида. Шаҳарчада келажакда фельдшер-акушерлик пункти, 420 ўринли мактаб, 3 нафар сотувчи ишлайдиган дўмон, 50 ўринли чойхона-ошхона, 16 квартирали 2 та турар-жой бинолари қурилиши олиб борилмоқда.

Корхона маъмурияти ёрдамчи хўжаликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Ўтган йили ёрдамчи хўжаликда 8778 килограмм мева, 10 минг сўмлик шоли, 160 килограмм асал, 108 килограмм гўшт етиштирилиб, ишчиларга арзон нархда сотилди. Бу йил район раҳбарларидан қурувчилар ҳаммом, 50 ўринли чойхона-ошхона, 16 квартирали 2 та турар-жой бинолари қурилиши олиб борилмоқда.

Корхона маъмурияти ёрдамчи хўжаликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Ўтган йили ёрдамчи хўжаликда 8778 килограмм мева, 10 минг сўмлик шоли, 160 килограмм асал, 108 килограмм гўшт етиштирилиб, ишчиларга арзон нархда сотилди. Бу йил район раҳбарларидан қурувчилар боғи барпо этиш учун яна 49 гектар ер сўраб олинди. Корхона ўз оталиғидаги ташкилотлар, қолаверса, Меҳр-шафқат жамғармасига яқиндан ёрдам бермоқда. 1991 йилда Марҳамат шаҳридаги 4-ўрта мактаб ва туман марказий касалхонасида ёрдам тариқасида 17 минг сўмликдан зиёд қурилиш ишлари бепул бажариб берилди. Хайрия мақсадларида 53 минг сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Шундан 6000 сўми жумҳурият Наврўз жамғармасига ўтказиб берилди.

Айни кунларда корхона қошида қурувчиларнинг саломатлигини доимий назорат қилиб турувчи махсус физиотерапия бўлими барпо этишга киришилди. Шифохона 8 хонадан иборат бўлади. Дори-дармон танқис бир шароитда ишчиларга енгиллик яратиш мақсадида бўлажак шифохонада уқалаш (массаж), игна билан даволаш сингари халқ табобати усулларига кенг ўрин бериш кўзда тутилмоқда.

Бозор иқтисодиёти одамларни қалтис синовдан ўтказаётган бир шароитда қурувчиларни ижтимоий ҳимоялашга астойдил киришилгани ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Ўтган йили корхона жамоаси режадагидан қарийб 500 минг сўмлик кўп қурилиш-монтаж ишларини амалга оширди. Ёки йиллик режа 124,7 фоизга адо этилди.

Йил давомида 228 гектар майдонда ариқ-зовур тармоқлари қурилди ва қайта таъмирланди. 79 гектар ўзлаштирилган ерларга ёпиқ зовурлар қурилди. Туман хўжаликларида жами 39 километр узунликда ариқ-зовур тармоқлари механизмлар ёрдамида тозаланди. Каналлар бетонлаштирилди. Сув ўтказиш тармоқлари, канализация, иссиқлик тармоғи қурилди.

Ишчиларнинг ойлик маошлари ҳам шунга мос равишда ортиб бормоқда.

Ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш корхона маъмурияти, қолаверса, жамоат ташкилотларининг бош вазифасига айланиб қолди, десак муболаға бўлмас. Шу боис Ўзбекистон ХДП колонна бошланғич ташкилотининг ишчилари ва мутахассислар орасидаги обрўси ортиб бормоқда. Ҳозир колоннада партия аъзолари сони 14 кишини ташкил этмоқда. ХДП аъзоси Азимжон Юсупов 22 йилдирки, колоннага раҳбарлик қилади. У изланувчан ва ишбилармон раҳбар сифатида кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйишда алоҳида маҳорат кўрсатмоқда. Ишчилар қўнимсизлиги барҳам топди. Ҳар бир ўрта бўғин раҳбарига мустақиллик берилган. Шу сабабли улар ўзўзини маблағ билан таъминлашда ташаббус кўрсатмоқдалар.

— Ишчи-хизматчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш йўлида қилаётган ишларимиздан ҳозирча кўнглимиз тўлаётгани йўқ, — деди колонна бошлиғи. Ижтимоий ҳимояни янада кучайтириш, иш ҳақини ошириш чора-тадбирлари кўриляпти.

Шукрулло НЕЪМАТОВ,
Андижон вилояти, Марҳамат тумани.

• Ҳаракатда—баракат

ИШОНЧЛИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Тошкентдаги «Технолог» ялмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли тажриба-механика заводида халқ истеъмоли моллари тайёрлаш ҳажми кўпайиб бормоқда. Бу ерда ойига 35 минг дона пластмасса ва 1,5 минг дона металл буюмлари ишлаб чиқарилмоқда.

— Маҳсулотларимизга талаб ошиб бораяпти, — дейди завод директори ўринбосари М. Олтин. — Ҳозир республикамиз ва ҳамдўстлик давлатларининг 50 дан зиёд шаҳарларига маҳсулотлар жўнатяпмиз. Яқинда Тошкентда корхонанинг «Янгилик» фирма-магазини очилди. Тез орада заводда «Жигули» автомашинаси учун эҳтиёт қисмлар тайёрлаш цехини ишга туширишмўлжалланмоқда.

Суратда: пластмасса буюмлар тайёрлаш шаҳобчаси бошлиғи О. Халилов (чапда) ва оператор М. Хабибуллин маҳсулот сифатини кўздан кечиришяпти.

С. ВЕЛИЧКИН (ЎзА) олган сурат.

• Диққат: янгилик!

«БИСТ»— ҲОСИЛДОРЛИК ВА ТОЗА ҲАВО МАНБАИ

● Яқинда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси микробиология илмгоҳи фермонтология лабораторияси мудири, биология фанлари доктори, профессор Қаҳрамон Давронов ва Тошкент давлат дорилфунуни биология куллиёти биотехнология кафедрасининг мудири, биология фанлари доктори, профессор Мирзаеҳдам Раҳимовлар томонидан «Бист» деб аталган модда яратилди. Қаҳрамон Давронов бизга ана шу кашфиёт сирлари ва унинг қишлоқ хўжалигидаги нафи ҳақида сўзлаб берди:

— 1986 йил эди. Бир куни профессор М. Раҳимов «Бист» ғоясини таклиф қилди. Биз лабораторияда тадқиқот ишларини бошлаб юбордик. Бирданига кўзга ялт этган натижа кўринмасди. Неча бор ҳафсаламиз пир бўлган вақтлар ҳам бўлди. Лекин биз ўз йўлимиздан қайтмадик. Кўнглимда албатта тажриба қандайдир натижа беришига ишонардим.

Бир куни М. Раҳимов кайфияти баланд кириб келди.

— Ҳа, тинчликми? — сўрадим ундан.

— Биласизми, лабораторияда, махсус идишларда тажрибамиз зўр натижа берди. Буёғи яхши бўлади, — деди у.

Ҳали-ҳали эсимда, ўша тажрибани биз ҳам такрорладик. Профессор М. Раҳимовнинг айтганлари ўз тасдиғини топди.

«Бист» ўсимлик илдизи атрофида тўпланиб, ҳаводаги азотни тез ўзлаштиришни таъминлайди. Ўсимликларни ўстирувчи моддаларни яратишга ва ерлардаги зараҳарли микробларнинг ўсишини камайтириш эвазига ўсимликларнинг касалланишини йўқотишга асос бўлади. Бу биологик моддалар одамлар, ҳайвонлар, қурт-қумурсқаларга тамом зарарсиздир.

Янги модда катта майдонларда, ҳар хил жойларда синаб кўрилди. Унинг озуқа, сабзавот ва техник экинларда катта самара бериши аниқланган. Ҳозир у Самарқанддаги «Кумушкент» давлат хўжалигида, Задарё районидаги «Гулбоғ» давлат хўжалигида ҳар томонлама синовдан ўтди. Пахта майдонларида ҳосилдорликнинг 7—10 фоиз ошиши исботланди.

«Бист» ишлатилган ерларда олинган ҳосилнинг сифати ҳам анча яхшиланди. Азотли ўғитларни йил сайин камроқ ишлатиш имкони пайдо бўлди. Энг муҳими, ердаги зарарли микроблар йил сайин камайиб борди.

Бу янги моддани эканинг турига, ернинг тузилишига қараб атиги 400 граммдан бир килограммгача (бир гектар ҳисобига) ишлатиш тавсия қилинади.

«Бист» узоқ муддат ичида ишловчи модда. Унинг таркибидаги микроорганизмлар бутун вегетация давомида ишлайди. Шу билан ернинг ҳосилдорлиги ва тузилиши яхшиланади. «Бист» очиқ ва ёпиқ шароитларда (иссиқхоналарда) ҳам катта самара кўрсатади. Ҳозироқ ундан фойдаланилган жойларда ҳар гектар ердан олинган соф фойда анча миқдорда ошганлиги аниқланган. «Бист»ни салқин, ҳавоси тоза, қуёш нури тушмайдиган қуруқ омборларда 5—20 даража иссиқликда сақлаш керак.

Янги модда билан уруғларга, кўчатларга ишлов бериш, маҳаллий ўғитларга қўшиб ишлатиш, ҳайдов жараёнида эса эритма тайёрлаб, ерга сепиш ҳам мумкин. Фақат ишлатиш жараёни, эритмалар тайёрлаш соя жойларда ёки қуёш чиқмай амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, қуёш нурининг тўғри тушиши микроорганизмларни ҳалок қилиши мумкин.

Бизга ҳозирнинг ўзидаёқ мурожаат қилаётганлар талайгина. Бироқ уни тайёрлаш билан Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги раҳбарлари қизиқишлари керак. Албатта, «Бист» ишлаб чиқариладиган завод қуришни ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

«Бист» жумҳуриятимизнинг юқорида таъкидлаганимиздек, бир қатор хўжаликларида дастлабки синовдан ўтди. Уни қўлланган хўжаликларнинг мутасаддилари фикрича, натижалар кўзни қувонтиради. Хусусан, «Бист» пахтачиликда қўлланилганида чигитнинг униб чиқиши икки-етти кунга қисқариб, ҳосилдорлик 10—15 фоизга ошди. Шунингдек, «Бист» ерёнғоқ, сабзи, бодринг, помидор, тарвуз, қовун ва шунга ўхшаш бир қатор экинларда қўлланилганда ижобий натижа берди. Шу ўринда, айниқса маккажўхоридан кўкпоя олишда қўл келганини эътироф этмоқ мақсадга мувофиқ. Бизнинг табиий иқлим-шароитимизга мувофиқ, кузда экилган экинлар ҳосилини баҳорда йиғиб олингандан кейин, бўшаган жойларга «Бист» билан ишлаб, жўхори экилганда 25—28 фоизгача бу озуқа миқдори ошгани аниқланди. «Бист»ни бошқа ўсимликларга қўлланиш борасида изланишлар давом эттирилмоқда. Илк натижалар шуни кўрсатяптики, бу биостимулятор — беда, картошка, ошқовоқ ва бошқа экинларда ҳам яхши натижа берар экан.

Энди «Бист»нинг иқтисодий самараси тўғрисида тўхталадиган бўлсак, уни пахтачиликда қўлланиш мисолида кўрсак бўлади. Масалан, бир килограмм «Бист»ни ишлаб чиқариш ёки уни тайёрлаш учун кетадиган харажатларга ҳаммаси бўлиб 20 сўм сарфланади. Лекин бундан келадиган фойда 360 сўмни ташкил этади. Самарқанд вилояти Оқдарё тумани «Кумушкент» давлат хўжалигининг директори Ниятқобул Умаровнинг айтишича, ҳар гектар ердан 400 сўмгача фойда кўришган. Демак, «Бист» нафақат биостимулятор, балки экологик омил, иқтисодий самара манбаи ҳамдир.

Суҳбатдош
Ҳамид ҲАБИБУЛЛАЕВ,
журналист.

ИШБИЛАРМОНЛАР

● Қува райони ҳокимияти янги корхона ва цехлар барпо этиш, ижтимоий объектлар қуриш ишига алоҳида эътибор бермоқда. Бу ердаги ишбилармонлар саъй-ҳаракатлари туфайли яқинда ремонт-механика заводи қуриб ишга туширилди. Охунбобоев номли жамоа хўжалигида эса «Анзис» заводи филиали фаолиятини бошлади.

Район тадбиркорлари хориж билан алоқани йўлга қўйдилар. Қува дон маҳсулотлари комбинатига Италиядан ускуналар келтириб ўрнатилди. Ҳозир бу ерда итальянча спагетти (макарон) маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Эндиликда иккита мебель комбинати, сут заводи ҳамда қандолатчилик фабрикаси биринчи навбати қурилиши ҳам ниҳоясига етай деб қолди.

И. АБУЛ ВАЛИЙ
Фарғона вилояти.

АҲОЛИ МАМНУН

● Косонсой район газ хўжалиги бошқармаси ходимлари қишлоқ хонадонларини газлаштириш ишларини тезкорлик билан амалга оширмоқдалар. Ҳозиргача 8100 хонадонга табиий газ уланди, 7050 дан зиёд аҳоли суюлтирилган газ билан таъминланяпти.

Яқинда «Қўқимбой» давлат хўжалигининг «Тожик» ва «Ободон» маҳаллаларига, «Тожикистон» давлат хўжалигининг «Қоратоғ» қишлоғига ҳам табиий газ келтирилди. Ҳозирданоқ қиш мавсумига тайёргарлик бошлаб юборилди. Эски 219 диаметрли қувурлар 325 диаметрли қувурлар билан алмаштирилди. Йил охиригача 18 миллион сўмлик монтаж ишларини бажариш кўзда тутилмоқда.

Т. СУЛАЙМОНОВ.
Наманган вилояти.

• Акс садо

ЎРТА ОСИЁСИЗ ҚОЛГАН МОСКОВ

● Мана, қарийб бир йилдан бери Ўрта Осиё кенгликлари узра эсаётган ҳуррият шабадаси тобора кучайиб бормоқда. Мустақиллик шоҳ кўчасига бирин-кетин кириб келган собиқ совет республикалари мазкур тарихий воқеанинг бир йиллигини нишонлаш арафасида турибдилар. Чунончи, Ўзбекистон халқи Мустақиллик кунини биринчи марта байрам қиладиган кунгача икки ойдан камроқ вақт қолди.

ЎЗБЕКИСТОН ва бошқа ёш мустақил давлатлар босиб ўтган давр бой ўтмишга эга бўлган қадимий халқлар учун бир лаҳза холос. Шундай бўлса-да ушбу давлатларнинг ҳар бирида: бирида кўпроқ, иккинчисида озроқ, лекин катта ишлар амалга оширила бошланди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсат соҳаларида дадил қадам қўймоқда. Йигирма бир миллионли халқни иқтисодий бўҳрон оқибатларидан ҳимоя қилиш, миллий иқтисодиётни бозор муносабатлари талабларига яраша таъмирлаш, бой маънавий мерос, миллий анъаналар ва умумбашарий қадриятлар негизида фан ва маданиятни ривожлантириш, замонавий кадрларни тайёрлаш, жамиятни маърифатли мамлакатлар даражасига кўтариш каби йўналишларда қадамлар қўйилмоқда.

Энг муҳими, қарийб 75 йил давомида ёлғондакам суверен деб келинган Ўзбекистон халқаро ҳуқуқ субъектига айланди. Бирон-бир ажнабий марказга ёки ташкилотга бўйсунмайдиган ўз давлат тузилмалари ва ҳукуматига эга бўлди. Республика ҳудудидаги ер, ер ости ва ер усти бойликлари ва маънавий мол-мулки Ўзбекистоннинг миллий мулкига айланди. Ўзбекистон ўз тақдирини ўзи белгилайдиган, ўз яшаш тарзини ва тараққиёт йўлини ўзи танлайдиган бўлди. Хуллас, Ўзбекистон, қолаверса, бутун Ўрта Осиёнинг занжирбанд бўлиб қолган халқлари мустамлака кишанларини улоқтириб ташлаб, аста-секин қоматини ростламоқда, озодлик шабадаси кучая борган сари ўзлигини танимоқда.

Буларнинг ҳаммаси меҳнаткаш, жафокаш халқларимизни, чет эллардаги ватандошларимизу хорижий дўстларимизни қувонтирган бўлсада, аммо собиқ хўжайинларимизни талвасага солди. Кимга — тўй, кимга аза, дегани шу бўлса керак-да.

Минг йиллик тарихга эга бўлган халқларга «устозлик» қилишни ўзига касб қилиб олган баъзи бир отдан тушса ҳам эгардан тушмайдиган «буюк оғалар» асрлар давомида истиқлолни орзиқиб кутган Ўрта осиёликларни тақдирга тан бериб мустақилликка эришганликлари билан табриклаш ўрнига ҳамон уларга «ақл» ўргатишни давом эттирмоқдалар. Худонинг берган бирон куни йўқки Москов газеталари саҳифаларида ёки «зангори экран»да бутун Ўрта Осиё ёҳуд шу минтақадаги бирон давлат тўғрисида заҳарли сиёҳлар билан ёзилган ва ҳаво мавжларида айтилган материаллар бериб турилмаса. «Известия»нинг 24—25 июнь сонларида эълон қилинган «Московсиз Ўрта Осиё» деб номланган мақола шулар жумласидандир.

Унинг сарлавҳасига эътибор беринг-а. Сезаяпсизми, азиз юртдошлар ва қўшни мустақил давлатлардаги қардошлар, муаллиф нима демоқчи бўлаётганини? Унингча Ўрта Осиё республикалари Москвдан ажралиб кетиб оғир аҳволга тушиб қолганмишлар. Улардаги ижтимоий-сиёсий вазиятни ва, айниқса, иқтисодий аҳволни енгил деб бўлмайди. Тожикистонда муҳолифият билан қонуний ҳокимият идоралари ўртасидаги зиддиятлар қонли можарога айланди. Қирғизистонда қирғизлар билан бошқа миллатларга, хусусан, славянларга мансуб бўлган аҳоли ўртасидаги қарама-қаршилик кучайиб бормоқда. Ўзбекистонда эса Президент Ислом Каримов ҳаддан ташқари қаттиққўллик билан республикадаги вазиятни назорат қилаётган эмиш ва ҳоказолар. Хуллас, муаллиф Николай Андреев айтмоқчи бўлган коса тагидаги нимкоса фикр қуйидагича: қаранг, 6—7 ой ичида Ўрта Осиё давлатлари қандай аянчли, олдиндан айтиб бўлмайдиган аҳволга тушиб қолдилар. Собиқ Марказга тобе пайтларда бунчалик бўлган эмасди. Энди Московсиз уларнинг ҳолига вой.

Тўғри, сирасини айтганда Ўрта Осиё республикаларидаги бугунги аҳвол мураккаб. Иқтисодий танглик, халқ турмушининг оғирлашуви, ижтимоий кескинлик, миллатлараро низолар, сиёсий тўқнашувлар, беқарорлик, бесаранжонлик мавжуд. Улар мустақилликни мустаҳкамлашга, унинг бой имкониятларидан халқ манфаатлари йўлида самарали фойдаланишга, меваларидан фуқароларнинг баҳраманд бўлишига тўсқинлик қилади, албатта. Аммо булар ўтиб кетади.

Лекин минтақамизда иқтисодиёт ночор аҳволга тушиб қолишига, узоқ йиллар давомида турли миллат вакиллари тотувликда яшаб келган ўлкада миллатлараро низолар келиб чиқишига, муҳолифиятнинг ҳокимият учун курашда ғайриқонуний, номаданий воситалардан фойдаланишга ўтишига аслида кимлар ва нималар сабабчи?

Тарихга бир назар ташлайлик. XIX асрнинг ўрталари. Тез ўсиб бораётган рус капитализми, айниқса, тўқимачилик саноати корчалонлари арзон хом ашё манбаларига муҳтож эдилар. Америкадан олиб келинаётган пахта жуда қимматга тушмоқда эди. Бунинг устига океаннинг нариги қирғоғидаги давлатга қарам бўлиб қолиш хавфи ҳам бор эди.

Шу боисдан рус табиатшунос, иқлимшунос, тупроқшунос, гидрогеолог, иқтисодчи олимлари хом ашё манбаларини қидиришга фаол киришдилар. Табиийки, уларнинг нигоҳи жанубга, Ўрта Осиё минтақасига, биринчи навбатда пахта етиштириш учун барча имкониятларга эга бўлган Туркистон ўлкасига қаратилди. Бу ерда катта ер майдонлари, қулай обҳаводан ташқари пахтачиликда бой тажрибага эга бўлган деҳқонлар, арзон ишчи кучи мавжудлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Чоризм рус капиталистларининг буюртмасини бажариш мақсадида ўз қўшинларини бизнинг ўлкага юбориб, Қўқон хонлигини истило қилди, Хива хонлиги ва Бухоро амирлигини Русияга тобе этди.

Шундай қилиб, Ўрта Осиё Русияга керак бўлиб қолди ва у бой ўлкани зўравонлик билан, маҳаллий халқларнинг хоҳишини сўрамасдан қўлга киритди. Туркистон Русиянинг ҳақиқий мустамлакасига айлантирилди. Шу пайтдан бошлаб, чор ҳукумати ўлкани ўзлаштиришга киришди, хом ашёни олиб кетиш ва тайёр маҳсулотни келтириб сотиш ҳамда мустамлакани турли ташқи кучлардан ҳимоялаш учун темир йўллар қурди, Мирзачўлни ўзлаштириш учун каналлар қаздира бошлади, ҳарбий қўрғонлар барпо этди. Русиядаги ерсиз деҳқонларнинг бир қисмини имтиёзли ваъдалар бериб Туркистонга кўчириб келтиришга қарор қилди. Бир ўқ билан икки қуённи отишни мўлжаллаган рус ҳукумати ушбу тадбир ёрдамида, биринчидан, ерсиз рус деҳқонларидан енгилгина қутилишни, иккинчидан эса Туркистонда рус аҳолиси миқдорини аста-секин кўпайтириб, ўлкада ўз ҳокимиятини мустаҳкамлашни кўзлади.

Афсуски, бундай сиёсат юргизиш 1917 йил октябридан кейин ҳам деярли ўзгармади. Миллий давлат чегараланиши ўтказилиб, миллий республикалар тузилди, ер-сув ислоҳоти ўтказилди. Ўлка халқларига миллий мустақиллик, озодлик ва тенглик ваъда қилинди. Лекин, ваъдалар ўлда-жўлда қолиб кетди. Эълон қилинган ленинча миллий сиёсат ўз моҳияти билан фойдали бўлса-да, амалда миллатларнинг тенг ҳуқуқлиги ўрнида бир миллатни улуғлаш ва унга турли имтиёзлар яратиб бериш кучайди, республикаларнинг тенг ҳуқуқлилиги ўрнига марказнинг мутлақ ҳукмронлиги таъминланди.

Ўрта Осиё республикаларида талайгина ўзгаришлар ҳам юз берди, албатта. Қишлоқ хўжалиги ривожланди. Саноат вужудга келди. Замонавий транспорт йўллари қурилди. Фан-техника марказлари пайдо бўлди. Аммо синчиклаб қарасангиз, ушбу ўзгаришлар кўп жиҳатдан республикаларимизнинг тобеълигини сақлаб қолиш мақсадида қилинганлигини пайқаш мумкин. Масалан, Ўзбекистонда ҳадеб кенгайган пахтачилик қишлоқ хўжалигининг биз учун анъанавий бўлган бошқа тармоқлари ҳисобланмиш дончилик, полизчилик, бўғдойчилик, чорвачиликни сиқиб қўйди. Натижада бошқа ўлкалардан кўплаб дон, картошка, шакар, чорвачилик маҳсулотлари олиб келишга мажбур бўлинди.

Жаноб Андреевнинг фикрича, Ўзбекистонни Россия ёки Украинанинг хом ашё ўсимтаси, деб бўлмайди, чунки унинг саноати бор. Ҳа, республика иқтисодиётида саноат етакчи ўрин эгаллай бошлади. Аммо биздаги саноатнинг каттагина қисмини пахтани бирламчи қайта ишлаш корхоналари ташкил этади. Ҳаттоки, машинасозлик ҳам асосан шу мақсадга бўйсундирилган. Ахир, ўзбек заминида, ниҳоятда машаққатли меҳнат натижасида етиштирилган пахтанинг ўн фоиздан ҳам озроғидан шу ернинг ўзида тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилса, қолган тўқсон фоиз қисми Русияга, Украинага, Болтиқбўйига, бошқа республикаларга, чет элларга муттасил юбориб турилса-ю, биз ипидан читигача ташқаридан келтирсак, тўғрими? Саноати ривожланган минтақаларни ўлка арзон пахта толаси, пилла, қоракўл териси билан мўлкўл таъминлаб турса, бу—хом ашё ўсимтаси бўлмай нима? Марказга тобеълик бундан ортиқча бўладими?

Маълумки Ўзбекистоннинг заминида ер ости бойликлари ҳам серодир. Газ, олтин, мис, бошқа рангли маъданлар кўплаб ишлаб чиқарилади. Аммо яқингача унинг ҳам асл хўжайини иттифоқ ҳукумати эди. Ҳатто Самарқанд, Бухоро, Хиванинг асори атиқаларини чет эл сайёҳлари келиб томоша қилишидан тушган хорижий валютанинг ҳам ягона эгаси Марказ эди! Мустамлакачилик бундан ортиқ бўладими?! Президентимиз Ислом Каримов Ўрта Осиёдаги бошқа республикаларда бўлгани каби бизнинг республикада ҳам, чор Россияси босиб олгандан сўнг совет ҳокимияти йилларида ҳам бу стратегия (марказга қарамлик) ўзгармамади, деганида юз бора ҳақлидир.

Эндиликда вазият тубдан ўзгарди. Халқимиз табиий ва ўз меҳнати билан яратилган барча бойликларнинг ҳақиқий хўжайини бўлиб қолди. Ҳеч ким уларни ўз ихтиёри билан четга олиб чиқиб кетаолмайди. Фақат сотиб олиши ёки жаҳон бозоридаги нархларда бизга зарур бўлган молларга айирбошлаши мумкин. Бу — табиийдир, чунки барча мустақил давлатлар шу йўлга кирмоқдалар. Русия ҳам бундан истисно эмас.

Хуллас калом, Ўрта Осиёни яқингача бўйсундириб, хом ашё манбаи сифатида ундан узлуксиз фойдаланиб, хоҳласа сийлаб, хоҳласа жазолаб келган Москов ана шуларнинг ҳаммасидан бир йўла айрилди. Ўлкамизнинг стратегик мавқеини эсласак, вижутовичларга, андреевларга ўхшаган, ўтган кунларни қумсаётган масковпараст «донишмандларнинг» аюҳаннос солишлари ҳам шундан.

Ўзбекистон ва бошқа қўшни мустақил давлатлардаги аҳвол билан узоқдан, дурбин орқали ёки саёҳатчилардек енгил-елпи танишиб, у ҳақда ҳукм чиқараётган жаноблар билиб қўйишлари даркор: кечаги итоаткор, ўз бойликларини қўш қўллаб бошқаларга бериб келган Ўрта Осиё халқлари озодликка эришдилар, мустақил давлатлар туздилар ва бировларнинг ўз ички ишларига аралашувига бундан буён сира ҳам йўл қўймайдилар. Минг йиллар давомида мустақил ҳаёт кечириб келган, бировларнинг дастурхонидан текин нон еб ўрганмаган халқларимиз бундан кейин ҳам ўз кучларига таянган ҳолда яшашга қодирдирлар. Улар беғараз кўмакка, дўстона маслаҳатларга муҳтождирлар, албатта. Лекин нохолисона, қора ниятлар билан тиқиштирилаётган ҳар қандай уринишларни рад этадилар. Ва сўралмаган маслаҳатчиларга, жаноблар, республикамизда нимаики бўлаётган бўлса, бу бизнинг ички ишимиз, мавжуд ва келиб чиқиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал этишга ўзимизнинг қурбимиз етади, шунинг учун бизнинг ички ишларимизга аралашманг, деймиз.

Ўрта Осиёсиз қолган Москова жуда ҳам алам қилмоқда. Бундайлар хусусида халқимиз, — «...карвон ўтаверади» деган.

Хулоса шуки, миллатимиз шаънига, мустақиллигимиз ҳақида айтилган туҳматларга биз аввалги пайтлардагидек андиша қилиб, қўл қовуштириб ўтирмаймиз. Ғаразгўйларнинг ҳар қандай туҳматига жавоб беришга ақл-заковатимиз ҳам, куч-қувватимиз ҳам етади. Мустақиллигимизнинг мустаҳкамлаш йўлидан қатъият билан боравeрамиз.

Собир ҚУРБОНОВ.

1.

ЧИЛЛАДА — ҳарорат 35—40 даражага чиққанда ҳамма далага, дарё соҳилларига бориб, ором олгиси келади. Деҳқон-чи, даласини, ҳосил тақдирини ўйлайди. Кўп жойларда бу йил ҳам экин майдонларини икки, ҳатто уч марталаб бузиб, чигит экишга тўғри келди. Охирги марта ёққан дўл, кучли жала шоналаб қолган ғўзаларнинг баргу шохларини чирт-чирт узиб, ерга қуйган гугурт чўпини қадагандек қилиб кетди. Асфальтдек тақир далаларни ҳам кўрдик. Ичичидан юрак-бағри эзилиб: «Вой, жоним-ей» деб кўзига ёш олган деҳқоннинг ўша пайтдаги хазин чеҳрасини ҳалигача унутолмайман. Ҳа, ўшанда пахтакору миришкор ўзи йиғлади-ю ичидагини сиртига чиқармади. Икки йил сурункасига шундай кечди деҳқоннинг ҳоли. Туну кун бола-чақалари билан далага чиқиб меҳнат билан вақтини ўтказди. Қатқалоқни юмшатди. Чизель, барона юргазди. Қарзга ботса ҳам чигит олиб, июнда уни эгатларга қадади. Ҳар бир дона чигитни битта-битталаб қўлдан ўтказди. Ҳар туп ниҳолга деҳқоннинг юрак қони, реза-реза тери томаёзди.

Ҳозир шоналаб, кўсаклай бошлаган ғўзалар ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ. Бултургидек, бу йил ҳам хирмон осонликча кўтарилмайди. Май-июнь ойларидаги сурункали ёмғирлар ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Аммо ўзбек бободеҳқони — мард, танти деҳқон. У ҳар туп ниҳолга ўз боласидек меҳрибон, десак асло муболаға бўлмайди. Чунки у она табиатнинг меҳри ҳам, қаҳри ҳам борлигига биринчи марта гувоҳ бўлаётгани йўқ. Қаранг: она табиат ўлкамизга шунчалик сахийлик қилганки, жаҳонда фақат бизнинг она тупроғимизда етилган ёз неъматлари, меваларнинг тотлиликда тенги йўқ. Масалан, Хоразмда қовун емасдан меҳмонга кетишга ижозат берилмаслигини биласиз. Қовунини есангиз лабингиз-лабингизга ёпишиб қолгудек. Бўка, Тўрткўл, Шаббоз, Чолишнинг қайир қовунлари шуҳрати юртга танилли. Қува анори, Сурхон хурмоси, Андижон анжири, Наманган олмаси доврўғи ҳам оламни тутган. Каттақўрғоннинг бир бош узуми бир лаганни тўлдиради. Тошкентнинг кенжа гуручи қанчалик сув тортарлиги билан машҳур эканини ошпазлардан сўраб қўяқолинг. Унинг қирларида қўй-қўзилардек ёнбошлаб етиладиган қўзивой тарвузлари-чи! Дарё лабида туриб, сувга қонмаган Қорақалпоғистон шоликорлари ҳар йили режани дўндирмоқдалар

Аммо кейинги даврда пахта яккахокимлиги — монокультура деган режалаш пахта монополиясини келтириб чиқардики, экологиямизни инқирозга юз тутдирди. Ўзбек халқининг Ўрта Осиёдаги бошқа халқлар қатори чекига тушган бу кўргилик оқибатида тобора кам турдаги маҳсулотлар билан чегараланиб қолдик. Тошкентнинг қоқ марказидаги гилоссорлару, олчазорлар, олмазорлару бошқа боғ-роғларга қирон келтиришгани, қишлоқларни шаҳар даражасига етказамиз, деб беҳуда чиранишлар соясида қишлоқларимизда аянчли аҳвол юзага келиб қолгани ва бошқалар ҳақида озмунча қалам сурилдими?

Яқинда бир гуруҳ олимлар билан баҳслашиб қолдик. Уларнинг бир қисми етмиш йилдан ортиқроқ вақтдан буён республикамиз хом ашё базаси бўлиб келгани, сифатли пахта, коракўл тери ва бошқа маҳсулотларни жаҳон бозорига олиб чиқиш, тенг айрибошлаш қилиш даражасига етказиш фикрини олға сурса, бошқалари бу йўлдан эмас, бошқа йўлдан бориш, яъни четдан технология, тайёр моллар олиш ғоясини илгари сурдилар. Шу сингари фикрларда бир қарашда жон бордек туюлади. Аммо бизда қишлоқ хўжалиги соҳасида чет эл технологияси, тайёр мол ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг ўзи йўқ ҳисоби. Биз фақат чет элларга аъло навли хом ашё сотибгина, эвазига уларни олишимиз мумкин, деган фикр ҳукмрон. Бу оддий одамга ҳам тушунарли. Бироқ етмиш йил мутеликда, ҳар хил ислоҳотлар исканжасида яшаган ўзбек деҳқонининг шу кўйга тушиб қолгани энди ҳеч кимга сир эмас. (Лоақал, республика Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг эллик марта қайта-қайта тузилганини эслаш кифоя!).

Бартер, яъни маҳсулотга-маҳсулот айирбошлаш ибтидоий жамиятга хос усул эканлигини олимлар ҳам тан олишади. Доллар йиғиб, то янги технология олгунча ва уни ишлаб чиқаришга жорий этгунча неча-неча қовун пишиғи кераклиги ой билан кундай равшан. Халқ истеъмоли молларининг ярмидан кўпроғини чет эллардан оляпмиз.

Нима қилмоқ керак? Юрт отахони Ислом Каримовдан тортиб олиму фузалоларгача, тармоқ раҳбарларидан тортиб оддий кўпни кўрган миришкорларимизгача шу ўй тинчлик бермаяпти. Ўзинг учун ўл етим, деганларидек, кўпчилик изланишга, ички имкониятларни қидириб топишга, тадбиркорликка дадил қўл уряпти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг қатор Фармонлари ва Республика Вазирлар Маҳкамасининг қўллаб-қувватлаши билан ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими базасида Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академиясини тузиш ҳамда қишлоқ хўжалигини кўтариш йўлида катта ишлар олиб борилди.

1991 йилда академияда деҳқончилик саноат мажмуининг тўқсондан ортиқ долзарб илмий ва амалий масалалари кўриб чиқилди. Давлат нав синаш тармоғида пахтачилик илмий-тадқиқот институти селекцияси бўйича тўққизта янги пахта нави синаб кўрилди. СоюзНИХИ — 6, СоюзНИХИ — 11, Оқдарё —5, 4-тип толали навлари яхши баҳо олди.

• НУҚТАИ НАЗАР •

ДЕҲҚОНГА ҚАНОТ БЎЛАЙЛИК

Ўсимликлар генетикаси ва селекцияси илмий-тадқиқот институти олимлари яратган «С — 6524» ва «С — 9070» ғўза навлари қайта экиш мақсадида районлаштирилди. Бу йил 5-тип тола берадиган ўрта толали «Наманган» ва 3-тип тола берадиган ингичка толали «Қарши-8» навли ғўзалар районлаштириш учун тавсия этилди. Мазкур институтнинг ўнта янги нави Давлат нав синовидан ўтмоқда.

«Дон» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Давлат нав синашга гектар бошига 832 центнердан яшил масса берадиган «Ширин» шакарли нави, гектар бошига 51 центнердан ҳосил берадиган ғалла навини, гектарига 74,4 центнердан ҳосил берадиган «Гулноз» арпасининг пивобоп навини топширди. Р. Р. Шредер номидаги илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси шафтолининг икки навини, нокнинг беш навини ва узумнинг икки навини Давлат нав синашига топширди.

Ҳозирги вақтда давлат нав синовидан сабзавот, полиз экинлари ва картошканинг ўн иккита нави ўтмоқда. Гектар бошига 350 400 центнердан ҳосил берувчи ва консерва қилиш учун мўлжалланган «Зумрад» чучук гаримдориси ҳамда узоқ муддат сақланадиган «Андижон» турпи районлаштирилгани ҳам кўнгилларга сув сепади. Гектарига 95-100 центнердан ҳосил берадиган янги «Толмас» шоли нави районлаштирилди. Бул тур бу навдан тўрт минг гектар майдонга экилди.

Гектар бошига 85-92 центнердан ҳосил берадиган маккажўхорининг дурагайлашган гуруҳи синаб кўрилди. «Гибрид» илмий-ишлаб чиқариш станциясида 15 минг тоннадан зиёд уруғ тайёрланди. Яшил ва юқори намли емҳашакни консервалаштириш технологияси ишлаб чиқилди.

Қорақўлчи олимлар томонидан иккита янги селекцион қўйлар тури вужудга келтирилди. Томди заводи типидаги кулранг қўйлар тажрибадан ўтказилиб, маъқулланди.

«Ипак» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси 21061 — 87 ва 21060 — 87 давлат стандартига эга бўлган қуруқ пиллани тайёрлаб, амалиётга жорий этиш учун топширди. Асосий ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичи бўйича стандартдан устун турадиган тўртта ипак қурти дурагайи давлат нав синашига берилди.

Янги ва такомиллашган серияли пахта териш машиналарини яратишнинг концепцияси тузилди. Бу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси (ва ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими раёсати) томонидан маъқулланди.

60 — 80 сантиметрли эгат ораларидаги ғўзаларга ишлов берувчи технология учун комплекс машина ва асбоблар ишлаб чиқаришга қаратилган дастур лойиҳаси тайёрланди ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигига топширилди. Бултур жами 293 та тугалланган ишланмалар амалиётга жорий этилиб, 628 миллион сўмлик иқтисодий самара кўрилди. Буларнинг ҳаммаси яхши.

Аммо ҳали ҳолва деган билан оғиз чучимайди. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида, тез-тез ўзгариб турган бугунги вазиятда деҳқончилик-саноат мажмуини илмий жиҳатдан самарали қуроллантириш даражаси ишлаб чиқариш талабидан ва замондан анча орқада қолмоқда. Қишлоқни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш кооперацияси ва акционерлигини ривожлантиришга қаратилган асосланган иқтисодий, ижтимоий маълумотлар эса ҳали кам.

Гарчи, ҳозир қатор истиқболли янги навларга эга бўлсак ҳам пахта толаси, айниқса биринчи, тўртинчи ва бешинчи тип толалари тўқимачилик саноати ассортимент талабларини қониқтираётгани йўқ.

Пахтачиликда ва бошқа соҳаларда ишлаб чиқариш технологияси суст такомиллаштирилмоқда. Пахта ва бошқа экинлар ҳосилдорлиги паст. Уларни тайёрлаш учун сарф қилинаётган меҳнат, моддий-техника ва сув ресурслари миқдори эса ниҳоятда юқори бўлмоқда.

Бошоқли донлар, маккажўхори, сабзавот-полиз ва озуқа экинлари селекциясини ишлаб чиқиш ишлари талабга жавоб бермайди. Арпа селекциясининг айрим муаммолари ҳал этилганича йўқ. Дала шароитида уруғ етиштиришни кўпайтиришга қаратилган тадқиқотлар суст йўлга қўйилган.

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкадан программалашган ҳосил олиш масаласига етарли эътибор берилмаётир.

Шу ўринда бир нарса ёдга тушади. АҚШда ҳар бир қишлоқ хўжалик маҳсулоти туридан бу йил қанча миқдорда топширишга заргарона аниқлик билан ёндашишар экан. Масалан, фермер ўн тонна маҳсулот топширишi керак бўлса, шунча топширади. Бироқ тонна ортиқча ёки кам маҳсулот топширмайди. Чунки давлат ва аҳоли эҳтиёжи олдиндан ўта аниқ ҳисоб-китоб қилинаркан. Режалаштиришдаги бундай математик тоқиқлик аввало деҳқонга катта масъулият юкласа, истеъмолчини ҳам ҳар қандай баҳонаю ноздардан жиддий огоҳ этади. Бизда бунга реал имконият шароит борми? Сабзавотчилик ва картошка чиликни алмашиб экиш системасида, азотли ўғитлар солинавериб дабдаласи чиққан туп-роқ унумдорлигини қайта тиклаш, сақлаш ва яхшилаш борасида тадқиқотлар суст олиб борилаётгани ва узумзорларда технологик жараёнларни механизациялаш даражаси ҳали пастлиги, сувни тежаб-тергаб сарфлаш технологияси, суғоришнинг истиқболли усуллари секинлик билан жорий этилаётгани, қайта ишлаш саноати муаммолари, сабзавот-полиз экинларини сақлаш, сабзавот экинларига ишлов беришнинг интенсив технологияси бўйича илмий ишланмалар йўқлиги, ижарачи, деҳқон (фермер) хўжаликлари кичик техника билан таъминланмаётгани) ва бошқа қатор муаммолар деҳқон қўлини боғлаб қўймаяптими?

Ҳа, деҳқонга ҳар томонлама мадад, амалий ёрдам зарур! Бу — сиёсатчининг ҳам, иқтисодчи олимнинг ҳам, тармоқ мутахассисларининг ҳам бурчи. Мухтасар қилиб айтсак, деҳқонга ҳаммамиз қанот бўлайлик!

Ҳамид ИКРОМОВ,
«Ўзбекистон овози»нинг деҳқончилик саноат бўлими мудири.

Халқаро муносабатлар масаласига қизиқувчилар учун

Ўзбекистон Республикаси тарихида ушбу йилнинг дастлабки ойлари зарҳал ҳарфлар билан ёзиладиган бўлди. Боиси, Ўзбекистон истиқлолини дунёнинг юздан зиёд давлатлари эътироф этибгина қолмай, халқаро ташкилотлар, жаҳон ҳамжамияти бўлмиш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти мустақил ва суверен давлатлар рўйхатида Республикамиз номи зикр этилди. Бу билан юз йилдан мўлроқ вақт мобайнида йўқотилган истиқлол тикланди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан «Ўзбекистон овози» рўзномаси таҳририяти халқаро муносабатлар масаласи ва дипломатия соҳасига қизиқувчилар учун туркум материаллар тайёрлади.

УМУМОВРУПО ЖАРАЁНИ

Ушбу дастлабки мақолада ҳур Ўзбекистонимизнинг Умумоврупо жараёнида иштироки ҳақида сўз юритилади. Зеро, Оврупо хавфсизлиги ва ҳамкорлиги Кенгаши (ОҲҲК) номи билан машҳур бўлган бу ҳаракат қайси жиҳатлари билан дунё халқлари диққатини ўзига жалб қилмоқда ва бу жараёнда Ўзбекистон ўз иштироки билан нималарни кўзлаши мумкин?

Маълумки, Оврупо хавфсизлиги ва ҳамкорлиги Кенгаши 1975 йил 1 августида Финландия пойтахти Хельсинки шаҳрида Оврупо ва Осиёнинг 48 давлати ҳамда АҚШ ва Канада томонидан Якунловчи Аҳднома ҳужжатини имзолаш билан барпо бўлганди.

Якунловчи ҳужжатнинг асосий мағзи нималардан иборат? Мазкур Аҳднома ўз ичига бир неча йўналишлардан иборат асосий битимларни камраган бўлиб, улар қуйидагилардир:

— халқаро ҳуқуқий йўналишда — иккинчи жаҳон урушининг сиёсий ва ҳудудий натижаларини янада мустаҳкамлаш, бузилмас чегараларга молик Аҳднома қатнашчи — давлатлар орасида ўзаро силқпарвар муносабатларни барпо қилиш;

— ҳарбий-сиёсий йўналишда — ҳарбий соҳада ишончларини мустаҳкамлаш учун дастлабки тадбирлар тўғрисида келишиб олиш, яъни ҳарбий машқлар, йирик ҳарбий ҳаракатлар тўғрисида бир-бирларига хабар қилиш ва бу машқларда қатнашиш учун ўзаро кузатувчилар алмашиш;

— иқтисодий йўналишда — иқтисод, фан ва техника, атроф муҳит муҳофазаси соҳаларида кўпқиррали ҳамкорликнинг асосий томонлари ҳақида келишиб олиш:

— инсоний йўналишда — инсон ҳуқуқлари ва муҳим эркинликлари, шу жумладан эркин ҳижрат, ўзаро мулоқот, ахборот, маданият ва таълим масалалари бўйича муайян мажбуриятлар тўғрисида келишиб олишлардан иборатдир.

Шунингдек, Кенгаш бошлаб берган жараённи давом эттириш мақсадида мунтазам равишда умумоврупо учрашувларини ташкил қилиш, уларда якунловчи ҳужжат ижроси, Оврупо ва Ўрта Ер денгизи минтақасида хавфсизликни янада мустаҳкамлаш ҳақида фикрлар алмашиб туришга келишиб олинган эди.

Мазкур битимлар ҳуқуқий нуқтаи назардан бирон бир давлат парламенти тасдиғидан ўтмаган бўлса-да, лекин уларнинг сиёсий аҳамияти бениҳоя улуғвор. Сабаби, улар қатнашчи-давлатларнинг тўла иштирокида қабул қилинган бўлиб, битим шартларига бўйсунмаган давлат маънавий зарар кўриши муқаррар эди.

Умумоврупо Вена учрашуви фақатгина Оврупо қитъаси учунгина муҳим бўлиб қолмай, балки бутун дунёда йирик воқеа саналиб, унда Хельсинки Якунловчи ҳужжати мазмунини қуролсизланиш ва умуминсоний соҳаларда янада юқори поғонага олиб чиқилди.

Бунга қўшимча бу учрашувда Оврупо хавфсизлиги ва ҳамкорлиги Кенгашининг бир қатор тадбирларини ўтказиш бўйича қарор қабул қилинди.

Учрашув тугаши билан НАТО ва Варшава Шартномаси Ташкилотининг 23 давлати ўртасида оддий қуролли кучларни қисқартириш бўйича музокаралар бошланиб кетди. 35 та қатнашчи-давлатлар бўлса, Оврупода ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлашнинг янги чораларини ишлаб чиқиш масаласи билан банд бўлди. 1989 йил давомида Лондонда Ахборот бўйича йиғин, Софияда атроф муҳит муҳофазасига бағишланган кенгаш, Парижда ОҲҲКнинг умуминсоний қадриятлар конференциясининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

1990 йилнинг июнь ойида Копенгагенда ОҲҲКнинг умуминсоний қадриятлар конференциясининг иккинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унинг натижаси ўлароқ, демократия, қонунийлик, ҳуқуқий давлат асосий принципларини шакллантирувчи якуний ҳужжат қабул қилинди...

1991 йилнинг 10 сентябридан 4 октябрига қадар ОҲҲКнинг умуминсоний қадриятлар Конференциясининг Москва маслаҳат-кенгаши бўлиб ўтди. ОҲҲКнинг инсоний ҳуқуқлари ва демократиянинг таянчи сифатида ролини ошириб, Хельсинки жараёнини янада янги босқичга кўтарди. Унда биринчи маротаба инсон ҳуқуқлари давлат дахлсизлигидан юқори туриши ҳақидаги принцип эълон қилинди. Маслаҳат йиғини қатнашчилари инсон ҳуқуқларини сақлаш масалалари давлат ички ишларига аралашмаслик принципидан юқори бўлиши тўғрисида ўзларига мажбурият олдилар.

Москвадаги бу йиғинда Латвия, Литва ва Эстония Хельсинки жараёнининг тенг ҳуқуқли қатнашчилари сифатида қабул қилинди.

1991 йил ноябрь ойида Ослода бўлиб ўтган ОҲҲК қатнашчи-давлатлар экспертларининг семинарида демократия институтлари бўйича демократия меъёрлари, инсон ҳуқуқ ва эркларини тасдиқлаш масалаларида амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш ва бу борадаги мавқеларни яқинлаштириш бобида олдинга сари муайян қадам қўйилди.

ОҲҲК қатнашчи-давлатлари ташқи ишлар вазирлари Маслаҳат-Кенгашининг иккинчи йиғилиши Прагада 1992 йил 30—31 январь кунлари бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси Кенгашнинг қатнашчи-давлати сифатида қабул қилинди. Унда ОҲҲК органларининг зиддиятларни ҳал этиш ва тугатиш бўйича фаолиятини кучайтириш ва 1992 йил 24 мартида Хельсинкида навбатдаги умумоврупо учрашувлари билан боғлиқ масалаларни ўрганиш ҳақида ҳам қарор қабул қилинди. Зеро, сўнгги учрашувда ОҲҲК қатнашчи-мамлакатлари ҳукуматлари ва давлатлари бошлиқларининг олий даражадаги учрашуви билан якунланиши режалаштирилган.

ОҲҲК тарихига назар ташлаган киши бу Кенгаш фақат Овруподагина эмас, балки дуёнинг бошқа жойларида ҳам умуминсоний қадриятларни улуғлаш, инсон ҳуқуқлари ва демократия ҳимояси йўлида сезиларли ишлар қилгани кўзга яққол ташланиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида бу анжуманга аъзо бўлиши унинг халқаро миқёсдаги обрўсини ошириб қолмай, суверен ва мустақил давлат сифатида унинг елкасига муайян инсоний мажбуриятларни ҳам юклайди. Шу билан биргаликда ўзининг мустақиллиги дахлсизлиги тўғрисида ҳам кафолатга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот котибияти ва «Ўзбекистон овози» рўзномаси таҳририяти.

• «Ўзбекистон овози» материаллари изидан

«ШОШМАНИНГ ИШИ БЎШ

(«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ», 20 МАЙ 1992 ЙИЛ).

● Юқоридаги сарлавҳа остида мақола эълон қилиниб, унда Жиззах вилояти қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш ва сотиш ширкат бирлашмаси фаолиятидаги камчиликлар кескин танқид қилинган эди.

Ушбу мақола юзасидан биринчи бўлиб, Жиззах шаҳар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш, сотиш ва бозорлар бошқаруви ширкати раиси Э. НОРМАТОВ жавоб йўллабди. Унда қуйидагилар таъкидланади:

«Мақолада шу кунниг энг муҳим долзарб масалаларидан бири кўтарилган. Турмушимизнинг ўткир муаммоларини дадиллик ва ҳозиржавоблик билан ёритиш ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида унинг ечимини топишда айниқса зарур ва аҳамиятлидир. Мазкур мақолада шаҳар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш, сотиш ва бозорлар бошқаруви ширкати ҳақида сўз юритилган бўлиб, ҳақиқатан мақолада айтилганидек бизнинг фаолиятимизда ҳали қатор камчиликлар мавжуд. Рўзнома мақоласи ширкат жамоасининг умумий йиғилишида кўриб чиқилиб, ишдаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ тадбирлар режаси белгиланди. Унга кўра бундан кейин Россия, Беларусь, Украина ва бошқа жумҳуриятларнинг савдо ва ишлаб чиқариш ташкилотлари билан шартнома асосида ҳамкорлик қилиб, уларга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб берган ҳолда улардан ҳам Жиззах шаҳри аҳолиси учун керак бўлган саноат, қурилиш ва озиқ-овқат маҳсулотлари келтиришни таъминлаймиз. Биз жамоада ўзаро маслаҳатлашиб, бундан кейин ўрнига ўзимиз учун энг зарур товарларни айирбошлаш аниқ бўлгани ҳолдагина бошқа жумҳуриятларга маҳсулот жўнатишга қарор қилдик. Бир сўз билан айтганда, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари юориб, уларнинг ўрнига фақат тайёр, зарур буюмлар, товарлар оламиз. Ҳар қанча қиммат нархда сотиб олган тақдирда ҳам пулга маҳсулот юбормаймиз. Ширкатимиз тайёрловчиларига ана шу масала қатъий вазифа қилиб юклатилди...»

Ушбу жавобдан шаҳар бирлашмаси ширкати раиси Э. Норматов ўтган йили йўл қўйилган камчиликлардан тегишли хулоса чиқариб олганлиги шундоққина маълум бўлиб турибди. Лекин бизни иккинчи бўлиб келган жавоб хати, яъни Жиззах вилоят тайёрлов-савдо ширкати бирлашмаси раиси А. Эргашевнинг мактуби ажаблантирди. Ваҳолонки, «Шошманинг иши бўш» мақоласида асосан А. Эргашев раислик қилаётган бирлашма идораларидаги пала-партишлик, шошма-шошарлик, уқувсизлик, ишбилмаслик ҳоллари кескин танқид қилинган эди. А. Эргашевнинг маълум қилишича, мақола бошқарув аппарати раҳбарлари, тармоқ ташкилотлари раислари ва бош мухосиблари иштирокидаги йиғилишда кўриб чиқилган. Йиғилишда таъкидлаб ўтилишича, бу борада ўтган йили муайян ишлар қилинган. Лекин жавоб хатида мақоладаги айрим фактлар инкор қилинди. Жумладан, мақоладаги «Вилоят тайёрлов ширкати бирлашмаси биргина 1991 йилда 17 миллион 573 минг 794 сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотларини хаш-паш дегунча Россия шаҳарларига жўнатиб юборди», деган жумла ҳақиқатга тўғри келмайди, дейилган.

Қизиқ, биз кимга ишонайлик. Бизга маълумот берган Жиззах область ички ишлар бошқармасининг масъул ходимларигами, ёки бирлашмасидаги камчиликлар рўйрост танқид қилинган А. Эргашевнинг эътирозигами? Жавоб хатининг давомида ҳам вилоят ички ишлар бошқармасининг чиғириғидан ўтган фактларга нисбатан далил-исботсиз эътироз билдирилади. Афтидан ўртоқ А. Эргашев шунча камчиликларга йўл қўйган бўлса ҳам уни мардларча тан олгиси йўқ.

Бизнинг мақсад эса самимий: у ҳам бўлса бу йилги мавсумда ҳам ана шундай шошма-шошарликка, палапартишликка, ўқувсизликка йўл қўймасликдир.

Афсуски, мақола рўзномамизда чоп этилганидан буён орадан қарийб бир ярим ой ўтишига қарамай Жиззах ҳокимиятидаги мутасадди ўртоқлар ўзининг қўл остидаги шундай муҳим нуқтада бўлаётган камчиликларга ўз муносабатларини билдирганлари йўқ. Вазирлик ҳам жим.

Ҳечдан кўра кеч яхши, дейдилар. Ўйлаймизки, ҳокимият бирлашма фаолиятига ўз муносабатини билдиради.

Таҳририятнинг ижтимоий адолат бўлими.

Тўрақўрғон районидаги «Наврўз» жамоа хўжалигида оилавий пудратчи Усмонжон Солиевни ҳамма танийди. Бу йил у 12 гектар майдонда янги навли буғдой экиб, мўл ҳосил етиштирди. Айни кунларда илғор пудратчи гектаридан 70 центнердан дон ва somon йиғиштириб олмоқда.

СУРАТДА: оилавий пудратчи Усмонжон Солиев ўз ғаллазорида.

П. АКБАРОВ олган сурат.



ҲАҚҚУЛОБОДГА ГАЗ КЕЛМОҚДА

Андижон районидаги Урмонбек посёлкасидан Наманган вилоятининг Норин ва Учқўрғон районлари оралиғидаги тақсимлаш станциясига 29 километрлик газ қувури орқали газ келтирилди. Бу ердан газ яқин атрофдаги хўжаликларнинг ва Ҳаққулобод район марказининг хонадонларига келади. Энди газ қувури олтита хўжалик посёлкалари орқали Учқўрғонга тортилади. Қурилишни «Ўзбекгаз» ва «Намангангаз» бирлашмаларининг, «Тонг» фирмасининг кўчма механизациялашган колонналари жамоалари бажармоқда.

(ЎзА).

ҚИТЪАЛАР ВА ОДАМЛАР

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАСИ

● Туркия диний ишлар вазирининг ўринбосари Сами Услу жаноблари бошчилигидаги бир гуруҳ вакиллар Ўзбекистон Республикасида меҳмон бўлишди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги диний ишлар комитети раиси Абдуғани Абдуллаев меҳмонларни қабул қилди. Самимий суҳбат чоғида Тошкентда йирик масжид қурилиши ҳақида сўз борди. Бу ерда ислом маърифий-маданий маркази, кутубхона, қироатхона бўлади.

Туркиялик биродарларимизнинг ниятлари қутлуғ: улар диёримизнинг бошқа жойларида ҳам ибодатхоналар қуришни мўлжаллашган. Меҳмонлар Туркияда чоп этилган Қуръон нусҳаларидан бир неча мингтасини ўлкамиз мусулмонларига туҳфа этиб юборишни ваъда қилишди.

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАДА

● Германия, АҚШ, Канада, Япония, Буюк Британия, Франция, Италия раҳбарларининг Мюньхен шаҳридаги кенгашида долзарб масалалар муҳокама этилмоқда.

«Янги ҳамкорликни вужудга келтириш» номли сиёсий баёнот қабул қилинди. Унда Шарқ билан Ғарб ўртасидаги мухолифликни тўхтатиб, дунёнинг сиёсий харитасини тубдан ўзгартириб юборган «демократик революция» қўллаб-қувватланади.

ҚУВОНЧЛИ ВОҚЕА

● Хавфсизлик Кенгаши Бош Ассамблеяга Грузияни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул этишни тавсия қилди.

Тегишли резолюция овозга қўйилмай маъқулланганидан сўнг Хавфсизлик Кенгашининг шу ойдаги раиси Грузия Республикасини шу воқеа билан қутлади, бу воқеа БМТнинг ҳаммабоплик фойдасини мустаҳкамлайди. Хавфсизлик Кенгашининг раиси Грузия БМТга қабул этишни сўраб берган аризасини тилга олди. Унда Грузия БМТ Уставини бажариш, жумладан, баҳсларни тинч йўл билан бартараф этишга тааллуқли қоидаларини бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олганлиги таъкидланади.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

● Брюссель шаҳрининг мажлислар саройида «Ҳамма одамлар — биродар» шнори остида антисемитизмга бағишлаб халқаро анжуман очилди.

Анжуманга жаҳоннинг 60 мамлакатидан вакиллар келган. Шунингдек, тантанада таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари қатнашмоқдалар.
насини моатТи БАнн вқ вмнқи

ВАЗИЯТ ЧИГАЛЛАШДИ

● Босния ва Герцеговинадаги сиёсий вазият чигиллашиб кетди.

Босния ва Герцеговина Серб республикасини эълон қилган серб вилоятларидан келган хорватлар жамоаси ҳам шундай йўл тутди.

Янги давлат тузилмаси «Герцег — Босния хорватлар ҳамдўстлиги» деб номланди. Бу давлат ҳудудини маҳаллий ва Хорватиядан киритилган хорват қуролли тузилмалари назорат қилиб туришибди.

24 СОАТ БИР СЕКУНДГА ОШДИ

● Ер айланишини кузатиш бўйича Париж расадхонасининг хизматчилари ерда 1 июль куни 24 соат 1 секундга ошганлигини аниқлашган. Ортиқча бир секунд қаердан келиб чиқди?

Бизнинг сайёрамиз ўз ўқи атрофида оҳиста айланмоқда. Бундан 850 миллион йил муқаддам бир кечакундузда 20 соатга яқин бўлган бўлса, олимларнинг фикрича, орадан яна 500 миллион йил ўтгач, у 27 соатни ташкил этади.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномаларининг хабарлари асосида тайёрланди).

МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР ХУСУСИДА ЎЙЛАР

СЎЗ БЎЛМАСА...

● Ҳар бир маърифатли инсон ҳаётининг энг унутилмас дақиқаларини сеҳрли сўз, боқий асар, ўлмас ижодкор билан учрашув ташкил этади. Шундай учрашувлар пировардида унинг ҳаётий мезонлари, яшаш тарзи ва интилишларининг йўналиши белгиланади.

Ана шулар ҳақида ўйлар эканман, кун сайин ошиб бораётган нарх-наво тўғрисида хаёл суриб кетаман.

Ҳа, нарх-наво ҳатто маънавий ҳаётимизга ҳам чанг солмоқда. Қоғоз «кимошди» томошаларининг асосий молларидан бири бўлиб қолди. Кеча икки юз сўм турган бир тонна қоғоз нархи бугун қирқ мингдан ошди. Рўзномаларнинг бир сони бугун бир-икки сўмга чиқди. Кеча давлатга миллион сўмлаб даромад келтираётган рўзномалар, ойномалар, нашриётлар бугунги қоғоз жангида омон қолиш учун ходимлар ва хоналарнинг баҳридан ўтмоқда, зир югуриб, ҳомийлар қидирмоқда. Нашриётлар эса, қанчадан-қанча романлар, қиссалар ва шеърий китобларни эгасига қайтариб, ўз ҳисобидан китоб чиқарувчи бойвуччаларга қош қоқмоқда.

Бу йил Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти ўзининг нашр режасига кўра, Абдулла Ориповнинг икки жилдлик асарини чоп этишни мўлжаллаган эди. Улкан шоирнинг ҳар бир китобини китобхон энтикиб кутишини, шу вақтга қадар унинг бирорта тўплами бирор китоб дўконида чанг босиб қолмаганини айтишга ҳожат йўқ. Афсуски, бугун Абдулла Ориповнинг икки жилдлик сайланмасини нашр этиш учун 250 минг сўм даркор экан. Нашриётда бундай маблағ топилмади. Шоирда эса бундай катта пулнинг бўлмаслиги аниқ. Шундай бўлгач, сайланманинг чоп этилиши дориломон замонларга қолди. Нашриётларда ётган бошқа истеъдодли ўзбек ёзувчилари асарларининг ҳоли нима кечади? Адабиётимизнинг бундан кейинги тақдири қандай ўтажак?..

Бундай ҳисобсиз саволлар бугун қўлига эндигина қалам ушлаган ёшлардан тортиб, то кўкракларида «Халқ ёзувчиси» нишони ялтираган ижодкорларга қадар ҳаммани ташвишга солмоқда. Жумҳуриятимизда Асосий қисми қашшоқ турмуш кечираётган халқ учун Чўлпон билан мулоқот эмас, унутилиб бораётган гўшт ва сут маҳсулотлари билан дийдор кўришув муаммоси муҳимлиги аён. Дастурхони ўша-ўша турли неъматлар билан тўлибтошган, ҳамёни кундан-кунга қаппайиб бораётган бир сиқим омма учун эса маънавий қадриятлар нархи ҳамиша сариқ чақа бўлган.

Хўш, бундан кейин нима бўлади? Осмондан қор, ёмғир ўрнига қоғоз ёғмайдику! Қоғоз сероб бўлган тақдирда ҳам дарди бошқа кўчаларда бўлган халқ қайтиб Бобур ғазалларига, Ойбек нинг ўзаро яқинлашишга бўлган илинжларини пантуркизм, панисломизм шиори остида пайҳон қилиш даврида куйдириб ташланди, дарёларга оқизилди, ер остига кўмиб юборилди. Ана шу қора қирғин даврида омон қолган тарихий, диний ва адабий обидалар эса, кутубхоналарда чанг босиб ётди. Уларни нашр этиш, халққа етказиш коммунистик истибдод авж олган тузум шароитида куфр деб ҳисобланди. Энди ошкоралик шабадалари эсиб, бу муқаддас китобларни нашр этиш пайти келганида қоғоз нархи осмонга кўтарилди.

Аммо шунга қарамай, айрим нашриётлар ва хусусий корхоналар халқ оммасидаги тарихий ҳақиқатга бўлган ташналикни қондириш истагида мавжуд имкониятдан фақат шундай асарларни чоп этишда фойдаланмоқчи бўлдилар. Уларнинг мўлжалига кўра, халқимиз узоқ йиллар мобайнида орзиқиб кутган бундай асарлар қанча сўм туришидан қатъи назар талаш бўлиши керак эди. Лекин, вилоятларга бориб келган ижод аҳлининг гувоҳлик беришига кўра, бу китоблар дўконларда уюм-уюм бўлиб, чанг босиб ётибди. Тошкент китобхоналаридаги манзара ҳам бундан яхши эмас. 20 миллионли халқ учун атиги 75 минг нусхада босилган Чўлпон сайланмасининг ҳали ҳам пештахталарда туриши кишини ўйлатмай иложи йўқ. романларига келадими? Ақл-заковатга тўлиб, бадиий қарашлари шаклланган, қалами эса сайқалланган бугунги шоир ва ёзувчилар ўз истеъдоди самарасини нима қилсинлар?..

Менинг хаёлимда баъзан шундай манзара жонланади: қоғоз нархи тилла баравар кўтарилгани сабабли қанчадан-қанча рўзномаю ойномалар ёпилган. Нашриётлар, босмахоналар синган. Китоб дўконларидан илон чиққандек одамлар четлаб ўтмоқда. Даромади бўлмаган кутубхоналар ҳам бирин-кетин ўз биноларини савдо шахобчаларига бўшатиб бермоқда. Одамзоднинг хаёли фақат пул топиш, қора қозонни қайнатиш, рўзғор тебратишда. Маданий бойликларнинг бундай қадрсизланишига чидай олмаган нуроний бир киши Навоий ҳайкалининг этагига бориб, улуғ шоир ҳузурида кўз ёши қилиб, унинг сатрларини ўқийди:

Сўздурки, нишон берур
ўлукка жондин,
Сўздурки, берур жонга
хабар жондин,
Инсонни сўз айлади
жудо ҳайвондин,
Билким, гуҳари
шарифроқ йўқ ондин.

Шу пайт бу сўзларнинг маъносини унча-мунча тушунган бир миршаб келиб, «Ҳай, эсини еган чол, нима деяпсан? Китобни ўқийдиган замонлар ўтиб кетган! Қорнинг тўқми, худога шукур қил! Бахт-саодат маърифатда эмас, куфр гаплар-ни айтма!» деб кекса зиёлини қувса...

Бу хаёлий манзара, албатта, кимларгадир муболағали бўлиб туюлади. Лекин биз яшаётган тарихий-маданий муҳит ана шу ўзанда оқиб бормоқда.

Машҳур француз адиби Анатоль Франс адабиётнинг илоҳий қудрати тўғрисида бундай деганди: «Сўздан қудратлироқ нарса йўқ. Ўткир далил ва юксак фикрлар тизмасини ёриб ўтиш мумкин эмас. Сўз ёвузларни яксон этади, қалъаларни йиқади... Сўз бўлмаса, дунё даҳшатли кучлар қўлида қолар эди».

Инсониятнинг ана шу қудратли сўзни ижод этиш ва авлодларга қолдириш эҳтиёжи қоғозни ихтиро қилишдан анча асрлар илгари пайдо бўлган. Ана шу эҳтиёж тақозоси билан Ўрхун ва Энасой бўйларида туркий халқларнинг қадимий обидалари — битиктошлар майдонга келган. Қоғознинг кашф этилиши эса, инсоният тафаккури тарихида инқилоб ясаган. Бу инқилоб эса, инсоният тарихидаги энг улуғ инқилоб.

Мен ҳозирги ҳолатни, адабиётимиз ва маданий қадриятларимиз бошига тушган мушкул вазиятни ўйлар эканман, уруш йилларидаги Ленинград ёдимга тушади. 1941 йилнинг ёз ойларида Ўзбекистон улуғ Навоий таваллудининг 500 йиллигини нишонлаши лозим эди. Аммо бошланган ҳарб бу қутлуғ режани бузиб юборди. Қардош украин, белорус ва рус қишлоқларида уруш алангаси, аждаҳо сингари осуда ҳаёт кечираётган халқни ямлаб турганида ўзбек халқининг карнай-сурнай чалиб тўй қилиши одобдан эмас эди. Лекин қамал ҳолатида яшаётган Эрмитажда ўша кезлари Навоийнинг муборак санаси камтарона бўлса-да нишонланган. Очликдан силласи қуриган ва ўрнидан туришга ҳам мадори қолмаган ёш шоир ва олим Лебедев эса, Навоий ғазалларини туркий тилидан ўрисчага таржима қилган.

Маданий эҳтиёжни очлик ҳам, Эрмитаж устида портлаб турган снарядлар ҳам енга олмаган. Ўзбекистон мустақил жумҳурият байроғини халқаро минбардан туриб кўтараётган бир пайтда маънавий қадриятларимиз эъзозланади, деган умиддамиз. Қолаверса, бадиий ва илмий тафаккур бир даҳиқага ҳам тўхтамаслиги керак. Ҳар бир халқ инсоният тараққиётининг умумий манзарасида доим ўз ўрнини эгаллаб туриши зарур.

Наим КАРИМОВ.

ВИЛОЯТЛАРДАН ДАРАКЛАР

● ФАРҒОНА

ЯНГИ КОРХОНА

Қува шаҳрида янги йирик консерва заводи ишга туширилди. Корхона Қува райони аҳолисининг шахсий томорқа майдонларида етиштирилган сабзавот, мева, полиз маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган. Замонавий ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари билан жиҳозланган заводда йилига ўнлаб миллион шартли банка консерва тайёрланади. Корхона ишга тушиши муносабати билан 300 дан ортиқ киши иш билан таъминланди.

ҚЎЛБОЛА ПОЙАБЗАЛ

● ҚЎҚОН шаҳар савдо дўконларида сифатли, бежирим, аммо анчагина арзон пойабзаллар пайдо бўлди.

Қизиғи шундаки, бу харидоргир, чиройли туфлилар махаллий гўшт комбинатида ишлаб чиқарилмоқда. Комбинат ҳузурида очилган О. Мадалиев бошлиқ пойабзал цехи шу ёрда тайёрланган тери ҳисобига ишлайди.

— Илгари корхонамизда мол-қўй териси, иккиламчи маҳсулот ҳисобланиб, Тошкент, Қўқон кўн-тери ошлаш заводларига юборилар эди, — дейди комбинат директори Адҳам Абдуллаев. — Эндиликда юқоридаги заводлар билан тузилган шартномамизга мувофиқ улар бизга топширган терининг ўн фоизини ошлаб қайтаришади. Пойабзал усталари ташаббуси ва жамоамиз ёрдамида эркак ҳамда аёллар пойабзаллари ишлаб чиқариш цехини қуриб ишга туширдик. Келгусида бу цех янада кенгаяди. Цех дастлабки самарани бера бошлади. Биринчи ойдаёқ Қўқон гўшт комбинатида тайёрланган бир неча ўн минг сўмлик пойабзал сотилди.

А. ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● НАВОИЙ

ҒОВАК ҒИШТЛАР

● КОНИМЕХ районидаги «Шофиркон» давлат хўжалигида тош ва шлакдан цемент қоришмаси ёрдамида ғовак ғиштлар ишлаб чиқарадиган цех ишга туширилди.

Бу цехда 5 киши меҳнат қилади, ҳар куни 450—500 та қурилишбоп ғишт тайёрланяпти. Агар хўжалик маркази райондан 200 чақирим олисдалигини ҳамда қурилиш материаллари анқонинг уруғи бўлиб қолганини ҳисобга оладиган бўлсак, Қизилқумнинг қоқ белида ташкил этилган бу цехнинг аҳамияти равшан бўлади. Боймуродда тураржой бинолари қуриш ташвишида юрган чўпон-чўлиқлар ана шу ғовак ғиштлардан харид қилишяпти. Уруш ва меҳнат фахрийларига, ногиронларга ғиштлар арзон нархда сотилмоқда.

«Ўзбекистон овози» мухбири.



Фусункор табиат... Суратқаш И. ПОРТНОВ.

СПОРТ

ЯРИМ ФИНАЛЧИЛАР

● ФУТБОЛ бўйича Ўзбекистон кубоги учун курашнинг ярим финалида иштирок этувчи жамоалар аниқланди.

Фарғонанинг «Нефтчи», Самарқанднинг «Мароқанд» жамоаларидан кейин Наманганнинг «Навбаҳор» ҳамда Қўқоннинг «Темирйўлчи» футболчилари ҳам ярим финалга йўлланма олишди. 23 июль куни ўтказиладиган навбатдаги учрашувларда «Нефтчи» — «Навбаҳор», «Мароқанд» — «Темирйўлчи» жамоалари майдонга тушадилар.

СОВРИНЛИ ЎРИН

● ОЛИМПИАДА мусобақаларига қизғин ҳозирлик кўраётган тошкентлик Сергей Усов ўзини кўрсатди.

Моҳир спортчимиз Стокгольм шаҳрида енгил атлетикачилар халқаро мусобақасининг еттинчи босқичида мухлислар эътиборини қозонди. У 110 метрга тўсиқлар оша югуришда 13,75 секундлик натижа кўрсатиб, иккинчи ўринни эгаллади. Спортчимиз яқинда Москвада якунланган МДҲ чемпионатида шу масофа бўйича 13,34 секундлик натижа билан ғалаба қозонган эди.

«Ўзбекистон овози» газетасининг

ЖАРЧИНОМАСИ

ҲИСОБЛИ ДЎСТ АЖРАЛМАС

"Узглавлегснабсбит" бўлимлари асосида ташкил топган Республика тўқимачилик, енгил саноат маҳсулотлари билан шартномалар тузиш ва савдо қилиш тижорат-воситачилик фирмаси 1992 йил учун ип-газлама, шойи, жун, каноп газламалари, техник матолар ва иплар, шунингдек енгил саноат учун хомашё фонди бўлган вазирликлар, идоралар, корхоналар маъмуриятларидан ушбу эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида ўз фондларини олиш учун фирма базасига келиб учрашишларини сўрайди.

Маҳсулотлар ҳисоб-китоб қилингандан сўнг берилади.

Ажратилган фондлар танланмаса, бир ой муддат ўтиши билан маҳсулотлар эркин сотувга қўйилади.

Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-а уй.

Телефонлар: 50-38-86, 50-06-56, 50-06-83.

ДЕҲҚОН МУШКУЛИ ОСОН БЎЛАДИ

ПИШИҚЧИЛИК ДАМЛАРИ БОШЛАНДИ. МАЙИЗ, ТУРШАК, ҚОҚИ ТАЙЁРЛАШНИ ИСТАЙСИЗМИ,

МАРҲАМАТ!

«Агроэффект» илмий-техника жорий этиш маркази ташкилотлар ва шахсий кишиларга юқори самарали кўчма қуритиш мосламаларини етказиб беради.

Мева-сабзавот қуритиш камералари хом ашё миқдорига қараб икки хил: «УМ—1,0» бир тонна ҳамда «УМ—1,5» бир ярим тонна маҳсулотга мўлжалланган мосламалар.

ЗАРАР ҚИЛМАЙСИЗ.

Бир ярим ойдаёқ барча харажатларингиз қопланади. Фурсатни бой берманг.

Манзилимиз: Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, иссиқлик техникаси кафедраси.

ТЕЛЕФОНЛАР: 35-11-67, 35-71-01, 67-84-80, 67-29-19.

ФАРҒОНА АГРОИХТИСОСРЕМОНТ БИРЛАШМАСИ ҚЎҚОН МОТОР — РЕМОНТ ЗАВОДИ

ремонт учун топширилган А-01М, СМД-72, СМД-62 дизел двигателларининг буюртмаларини 1 июлдан 1 августга қадар ТЕКШИРУВДАН ЎТКАЗАДИ

Кўрсатилган муддатда тасдиқдан ўтмаган буюртмалар бекор қилинади.

МАЪМУРИЯТ.

Ҳамширалар мактаби

Ўзбекистон Республикаси Қизил Яримой жамияти Марказий Қўмитаси меҳр-шафқат ҳамшираларини тайёрлаш бир йиллик кечки курсига

1992—1993 йиллар учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ҳужжатлар (ўрта маълумот ҳақида аттестат ёки диплом, соғлиғи ҳақида маълумот, 4 та фотосурат, турар жойи ҳақида маълумот, таржимаи ҳол) **1 августдан 1 сентябргача қабул қилинади.**

Ўқишни тамомлаб, давлат имтиҳонларини муваффақиятли топширганларга

«МЕҲР-ШАФҚАТ ТИББИЁТ ҲАМШИРАСИ»,

деган мутахассислик берилади ва курсни тамомлаганлиги ҳақида гувоҳнома топширилади. Бу ҳужжат ҳам Қизил Яримой жамиятида, ҳам тиббиёт муассасаларида ҳамшира бўлиб ишлаш ҳуқуқини беради.

МАНЗИЛГОҲ: Тошкент шаҳри, Педагогика кўчаси, 30-уй (Туркман бозори яқинида).

Телефонлар: 56-29-06, 56-28-03.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Композиторлари ва бастакорлари уюшмаси ва Ўзбекистон мусиқа жамғармаси бошқарувлари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор, мусиқашунос Аҳмад Жабборовга отаси

Ҳамид ҒАФУРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилиб, марҳумга Оллоҳдан раҳматлар тилайди.

Ўзбекистон Республикаси давлат кинокомпанияси ва Кинематографчилар уюшмаси «Ўзкинохроника» киностудиясининг директори Д. И. Салимовга рафиқаси

Светлана САЛИМОВАнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон травматология ва ортопедия илмий-тадқиқот илмгоҳи жамоаси бўлим раҳбари, тиббиёт фанлари доктори И. Ш. Акромовга умр йўлдоши

Соония АҒИШЕВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Газета таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 33-11-49, 32-54-06; ижтимоий адолат — 33-76-04, 32-53-15; партия турмуши, советлар ҳаёти ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14; деҳқончилик-саноат — 33-12-16, 33-07-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-20-36, 32-54-35; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; ички ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24; 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-26-70, 32-54-27; безатиш — 32-57-22; ахборот-тижорат маркази — 32-53-20.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-21, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 4-88-25, Термизда — 2-23-01.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● Йилига 256 марта чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 64583. Буюртма № Г — 127. № 134.

Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди — 20.00. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.